2009 йил, 7 январь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 4 (11.315) | Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2009 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. 2009 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар, шунингдек истисно тариқасида, 2008 йилнинг куз мавсумида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 6 январь*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**





*Кичик бизнес*

## СИФАТГА ЭЪТИБОР

**МАМЛАКАТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАНОҚ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ РИВОЖИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. БУ ЭСА ЙИЛДАН ЙИЛГА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ САФИ ОРТИШИГА, УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИДАГИ ҲИССАСИ КЎПАЙИБ БОРИШИГА АСОС БЎЛДИ.**

Кичик ва хусусий корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ҳамда рақобатбардошлиги билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Бу борадаги изланишлар эса давом этиб, тадбиркорларнинг интилишлари, яратилган имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишлари самарасини кўрсатмоқда. Энг муҳими эса ўзимизда тайёрланаётган импорт ўрнини босадиган товарлар кўриниши, юксак сифати, қадоқланиши ҳамда ўралиши билан харидорлар талабини қондираётганидир.

«Анталия-текс» кичик корхонасининг ҳам фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмасада, ўтган 2 йиллик фаолияти давомида ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан ички бозорда ўрин топмоқда. Боиси, бу ерда малакали чеварлар маҳорати билан тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари сифатли ва замонавийдир. Шунинг учун ҳам бундай товарлар харидорини топмоқда.

— 2006 йилдан бошлаб маҳсулот тайёрлашга киришдик, — дейди корхона раҳбари Алишер Мирзахўжаев. — Фаолиятимизда юртимизда тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитлар, берилган имтиёзлар, ҳуқуқий ҳимоянинг таъминланганлиги асосий омил бўлмоқда. Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш учун замонавий дастгоҳ ва ускуналардан унумли фойдаланяпмиз. Маҳсулот тайёрлаш учун керакли матоларни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қўшма ва хорижий корхоналардан олаяпмиз. Албатта, илғор технологиялар асосида маҳаллий хом ашё — пахтадан тайёрланган ранг-баранг матолар бизга қўл келмоқда. Эркаклар ва болалар учун тикилаётган мавсумий ички ва устки трикотаж маҳсулотларимиз турлари ва моделлари харидор диди ва талаби асосида кўпайиб бормоқда.

Корхона чеварлари бор маҳоратларини ишга солишмоқдаки, бу тикилаётган ҳар бир маҳсулотда ёрқин акс этиб турибди. Айниқса, модельлер-дизайнерларнинг изланишлари самарали бўлмоқда. Шу боис ҳам буюртмалар кўпайиб бормоқда. Тадбиркорлар харидорларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида аҳолидан турли буюртмаларни қабул қилмоқда, таъмирлаш ишларини муваффақиятли амалга оширмоқда. Бу албатта, мижозларга алоҳида қулайликдир.



Ўтган йилни ўзига хос тарзда якунлаган кичик корхона аҳли Янги йилда эзгу ниятлар билан иш бошлашди. Улар яқин келгусида янги, янада замонавий тикув машиналари келтириб, цехларни кенгайтиришни режалаштиришган. Шунингдек, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, қулай иш шароитлари яратиш, дам олиш имкониятларини яхшилаш ҳам кўзда тутилган. Албатта, янги дастгоҳлардан унумли фойдаланиб, маҳсулот турларини бозор талаблари асосида кўпайтириш, қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратиш жорий йилнинг асосий режалари сирасига киради.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона цехларида ўз ишининг усталари меҳнат қилишади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Қисқа сатрларда

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ёшлар тарбиясига таъсири масаласига бағишланди.

• **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида Уй ҳамшираси курси тингловчилари учун «Очиқ дарс» тадбири ўтказилди.

• **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университети биноси Ватан ҳимоячилари куни арафасида қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди.

• **ТОШКЕНТ** Давлат педиатрия-тиббиёт институтига замонавий тиббий технология ва жиҳозлар келтирилди.

• **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** республика бокс мактабида ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати старт олди.

• **ТОШКЕНТДА** шахмат бўйича спорт усталари ўртасида ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионатининг 6-тур мусобақалари якунига етди.

• **РЕСПУБЛИКА** «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши ҳамкорликларида мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Умид ниҳоллари» турнирининг футбол бўйича шаҳримиз туманларидаги туман босқичи мусобақалари бошланди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

*Ватан ҳимоячилари куни олдидан*

## ҚАЛБИДА ВАТАН МАДҲИ ЖЎШ УРГАН ЙИГИТЛАР

***14 январь Ватан ҳимоячилари куни! Бу сана яқинлашган сари мамлакатимиз ҳарбий қисмларида, қолаверса бутун Республикада байрамлар авжига чиқади. Эр киши учун Ватанни ҳимоя қилишданда азизроқ, шарафлироқ касб йўқ. Ота-она учун фарзандининг йигитлик бурчини муносиб ҳимоя қилиб, Ватан, халқ тинчлиги, осойишталигини сақлашда хизмат қилаётганини кўришдек бахт бўлмаса керак.***

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан миллий армияни ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йилнинг йигирманчи ноябрь санасида қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик жиҳатдан тайёргарлигини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Соҳада амалга оширалаётган бундай кенг қамровли ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш фуқаролар учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шарафли касбга айланди.

Ҳарбий қисмларда фаолият юритаётган зобитлар ёш аскарларни замонавий техникаларни ўрганишида, ҳарбий соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштиришида, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топишида ўз тажриба ва билимини ўргатмоқда. Ҳарбий қисмларга ана шундай сиёсий ва ҳарбий билими етук бўлган зобитларни етиштириб беришда Тошкент олий Умумқўшин Қўмондонлик билим юртининг ҳам ўз ўрни бор.

Юқори малакали офицер кадрларни тайёрлаш бўйича катта тажрибага эга ўқув маскани малакали, етук кадрларни тайёрлаш бўйича янги технологияларни амалиётга тадбиқ этиб турли тадбир ва мусобақаларда ўзининг салоҳиятини намоён этаётир. Бугунга келиб айни соҳага қаратилаётган эътибор, хусусан, ҳарбий таълимнинг профессионал йўналишларини амалиётга тадбиқ этиш, қолаверса, уларнинг моддий техник базасини янада яхшилаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳарбий таълим масканида уч хил мутахассислик бўйича дарс жараёнлари ташкил этилган бўлиб, ёшларни жисмоний чиниқтириш, назарий ва амалий дарсларни мукаммал олиб бориш, қолаверса юксак салоҳият эгалари бўлиб тарбия топишлари учун барча замонавий шароитлар яратилган. Айниқса ҳарбий муҳандислик тайёргарлиги, тактик тайёргарлик, жангни бошқариш ва тоғ тайёргарлиги каби машғулотлар малакали ўқитувчилар томонидан махсус дастур асосида олиб борилмоқда. Билим юртида курсантлар учун янги педагогик технология фани олиб борилади. Курсантлар ахборот техника воситаларидан кенг фойдаланиб, бунда мультимедия ва видео проектларига ёзиб олинган дисклардан маълумот олиб, бу маълумотларни кейинчалик фаолиятларида қўллашлари мумкин.

Шу кунга қадар билим юртини тўрт минг нафардан ортиқ офицерлар тамомлади. Улар бугунги кунда соҳанинг турли тармоқларида хизмат қилмоқда.

– Ёшлигимдан бу касбга қизиққанман, бугунги кунда Тошкент олий Умумқўшин Қўмондонлик билим юртининг учинчи босқич курсантиман, – деди, А. Юсупов. – Билим юртида курсантларнинг мукаммал, профессионал даражада билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

2007-2008 ўқув йилларида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган «Энг яхши олий ҳарбий таълим муассасаси» кўрик танловида Тошкент олий Умумқўшин Қўмондонлик билим юрти биринчиликни қўлга киритди.

Албатта мазкур билим юртида таҳсил олаётган бўлажак офицерлар келажакда мамлакатимиздаги ҳарбий қисмларда фаолият юритиб ёш аскарларга касбий маҳоратларини ўргатиб, Ватанимиз мудофаасини, халқимиз осойишталигини ҳимоя қилишда муносиб ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

**Рустам ХАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ватан ҳимоячилари куни олдидан Жомбой ва Каттақўрғон автомобиль мактабларида «Ватанга хизмат — муқаддас бурч» мавзусида кўргазмали машғулотлар уюштирилди. Унда тингловчилар саф тайёргарлиги, техника ва спорт воситаларини бошқариш борасида куч синашдилар. Тадбирнинг фаол қатнашчиларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.**

**• «Uzbekitan Airways Technics» авиакорхонасида «Airitaly Polcka» компаниясига қарашли «Boing-757» самолёти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Эътироф этиш керакки, «Uzbekitan Airmays Technics» ўтган йили айнан шу каби 110 та буюртмани муваффақиятли адо этди. Бу ўзбекистонлик авиасозлар хизматига дунёда талаб ортиб бораётганлигидан далолатдир.**

**• Сирдарё вилоятида «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси юзасидан қурилган 27-Меҳрибонлик уйи фойдаланишга топширилди. Гулистон шаҳрининг «Бўстон» маҳалласида қад ростлаган бу маскан «Болалар шаҳарчаси» деб номланди. У Самарқанд, Тошкент ва Андижон шаҳарларида бунёд этилган мана шундай масканларнинг тўртинчисидир.**

**• Республика Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Сурхон оҳанглари» деб номланган сўзаналар намойиши бошланди. Бу ерда халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналари — зардевор, сўзана, ойнахалта, букжама каби миллий каштачилигимизни ўзида акс эттирган асарлар намойиш қилинмоқда.**

**• Наманганда «Бунёд-текстиль» масъулияти чекланган жамияти ўзининг дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқара бошлади. Тадбиркорлар ташаббуси ва уларнинг 350 минг долларлик инвестициялари орқали корхонада чиройли дизайни ва юқори сифати билан ажралиб турадиган тўқимачилик буюмлари тайёрланмоқда. Корхонага «Алоқа банк»нинг вилоят бўлимидан олинган кредит ҳисобига Хитой ва Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди.**

**• Ўтган йили Навоий вилоятида ёшлар учун 6 та спорт иншоотлари қуриб битказилди. Улардан бири Янги йил арафасида вилоят марказида ўз эшикларини очди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Навоий вилоят бўлими томонидан янги спорт мажмуасига 28 миллион сўмлик спорт товарлари топширилди.**

**• «Бухоронон» масъулияти чекланган жамиятида полипропилен қопларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу ерда замонавий технологиялар асосида бир йилда беш миллион донагача шундай қопларни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.**

### ЖАҲОНДА

**• Европа Иттифоқи раҳбарияти Прагада Россия ва Украина ўртасидаги газ низоларини кўриб чиқади.**

**• Миср Президенти Хусни Муборак Ғазо секторидаги қуролли можароларга барҳам бериш юзасидан ўзининг янги режасини эълон қилди.**

**• Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Миср Президенти ва Франция томонидан Ғазо секторида тинчликни таъминлаш юзасидан тузилган янги режани маъқуллади.**

**• Н.Пелоси АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг спикери этиб қайта сайланди.**

**• Венесуэла Исроилнинг Ғазо секторида кўплаб қурбонларга олиб келаётган ҳарбий операцияларни амалга ошираётганлиги учун мамлакатдан Исроил элчиси ва ушбу давлат элчихонаси ходимларини чиқариб юборишга қарор қилди.**

**• Голландия мамлакати тарихида илк бор муҳожир киши шаҳар мэри этиб сайланди. Яъни келиб чиқиши марокашлик Аҳмад Абутолиб душанба куни қасамёд қабул қилиб Роттердам шаҳри мэри сифатида ўз вазифаларини бажаришга киришди.**

**• Таркибига америкалик Майкл Финк, россиялик борт муҳандиси Юрий Лончаков ва АҚШ астронавти Сандра Магнус кирувчи Халқаро космик станциясининг экипажи янги 2009 йилни Москва вақти бўйича ва Гринвич вақти бўйича икки бор нишонлашди.**

**• Непалнинг шарқида йўловчи ташиш кемаси сувга чўкиб кетиши натижасида кемада бўлган 38 нафар киши бедарак йўқолди. Дастлабки маълумотларга қараганда, кемада жами 50 нафар одам бўлган ва ҳозиргача уларнинг 11 нафари қутқариб қолинган.**

**• Халқаро космик станцияга саёҳатлар ташкил этиш билан шуғулланувчи Американинг «Space Adventures» компанияси нархлар ошганлигини маълум қилди. Унга кўра, энди фазога сайр қилишни хоҳловчилар 30-40 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тўлашларига тўғри келади. Аввал бунинг учун бир киши 30 миллион доллар сарфларди. Бундан ташқари, сайр давомида очиқ фазога чиқиш нархлари ҳам оширилган бўлиб, у 45-55 миллион АҚШ долларини ташкил этиши айтилмоқда.**

**• Американинг Луизиана штатида вертолёт қулаб тушиши оқибатида етти киши ҳалок бўлди, бир киши бедарак йўқолди. Яна бир киши эса жиддий тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди. Ҳозирча ушбу ҳодисанинг сабаблари аниқланганиi йўқ.**

# БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

**ТОШКЕНТДАГИ 23-СОНЛИ МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ҚИШ ЭРТАГИ» БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Хайрия тадбирида Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликлари раҳбарлари, юртимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Юртимизда ёш авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва теран тафаккурли, пухта билимли, юксак маънавиятли шахс этиб тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни жамиятнинг етакчи кучи, ишончи ва таянчига айлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, пойтахтдаги Чилонзор туманида жойлашган 23-сонли Меҳрибонлик уйи капитал реконструкция қилинди. Зарур мебел ва техника жиҳозлари билан таъминланди.

– 2008 йилда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун умумий овқатланиш ошхонаси, ўйин майдончалари, сузиш ҳавзаси қуриб фойдаланишга топширилди, – деди 23-сонли Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари Барно Бекмуҳамедова. – Буларнинг барчаси ўсиб келаётган ёш авлоднинг истиқболи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолат. Уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни қамраб олган 23-сонли Меҳрибонлик уйида юздан ортиқ тарбияланувчилар учун нафақат саҳналаштирилган мусиқий томошалар, балки янги йил дастурхони ҳам ёзилди. Бу эса болаларга бир олам қувонч бағишлаш билан бирга уларда эртанги кунга ишонч ва умид туйғусини шакллантириши шубҳасиз.

Тадбир якунида жажжи болаларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс»**

# БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ЯНГИ ЭРТАК

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ЯНГИ ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН МУСИҚИЙ ТОМОША ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

«Насриддин Афандининг янги эртаклари» деб номланган томоша болаларнинг қишки таътил кунлари мароқли ўтишига хизмат қилмоқда. Цирк дастурлари билан театрлаштирилган саҳна кўринишларининг ўзаро уйғунлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётир.

— Топқир, зийрак ва шўх-шодон Насриддин Афанди Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари билан бирга болаларни эртакларнинг сеҳрли ва мафтункор оламига ошно этади, — дейди Тошкент Давлат цирки бош директорининг ўринбосари Анжела Халилова. — Қувноқ эртак замирида аҳиллик, иноқлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ҳукм сурган жойда эзгуликнинг ҳамиша ёвузликдан устун келиши билан боғлиқ олижаноб ғоя ифода этилгани ёш томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Байрам томошасида цирк санъатининг барча жанрларига кенг ўрин берилган. Гимнастлар, акробатлар, масхарабозларнинг чиқишлари, ўргатилган жониворлар иштирокидаги томошалар эртакка янада кўтаринкилик бағишлаган.







# ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

**«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ КИНО САРОЙИДА КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН БАЙРАМ ТАДБИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Шу муносабат билан бу ерга пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлашда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан шифо масканларини зарур реагентлар, дори-дармонлар, тиббий препаратлар, гигиена воситалари ва жиҳозлари билан таъминлашга, гўдакларни малакали шифокорлар кўригидан ўтказишга, даволаш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги йил шодиёналари давом этаётган шу кунларда мазкур жамғарма томонидан пойтахтимиздаги Меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларда турли байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Айни пайтда болаларга турли дори-дармонлар, гигиена анжомлари, протез-ортопедик воситалари, тиббий препаратлар, ўқув адабиётлари, кийим-кечаклар, байрам совғалари топширилмоқда.

Алишер Навоий номли кино саройида ўтган тадбирда ҳам болаларга байрам совғалари топширилиб, қизиқарли бадиий фильм намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

**МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШГАЧ, БАРЧА СОҲАЛАРДА ЮЗ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР МУҚАДДАС ДАРГОҲ БЎЛГАН ОИЛАДА ҲАМ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПДИ. ЖАМИЯТИМИЗНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ БЎЛГАН ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҲАР ЖИҲАТДАН ИМКОН ЯРАТИЛДИ.**

*Ҳуқуқий маданият сари*

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ДАВЛАТИМИЗ КАМОЛОТИ ОМИЛИ

Чунки, "Оила фаровонлиги — миллий фаровонлигимиз асосидир". Оиланинг мустаҳкамлиги, тинч ва тотувлиги, баркамоллиги давлатимиз камолотини белгиловчи бош омиллардан бири ҳисобланади.

Шундай экан, ҳар бир оила субъектлари буни теран англамоқлари шарт, чунки бунинг мазмун-моҳиятида оила фаровонлигини таъминлаш, фарзандлар камолотини ўйлаб иш тутиш, бу соҳадаги давлат сиёсатини тўғри англаш, ислоҳотлар мазмунини тушуниш, ҳар бир инсоннинг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилиш каби тушунчалар ётади.

Мамлакатимизда бугунги кунда 25 миллиондан ортиқ аҳолининг истиқомат қилиши ва бу айни пайтда 4 миллиондан ортиқ оилани ташкил этиши қувонарли ҳолдир. Барпо бўлаётган оилаларнинг никоҳ орқали вужудга келиши эса қадриятларимиз асосидир.

Дарҳақиқат, никоҳ эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий розилик ва тенгликка асосланиб тузилган эркин иттифоқ бўлиб, унинг мақсади оила қуриш, болаларни умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашдан иборат. Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири — никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигидир. Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти унинг эркин ва тенглик принципи асосида вужудга келишини таъминлаш билан бирга, оиланинг барқарор ва мустаҳкам бўлишининг асоси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила, оналик ва болалик муҳофазаси, никоҳ тузиш шартлари, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятлари, фарзандларнинг ота-оналар олдидаги вазифалари, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясига оид қоидалар ўз ифодасини топган. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар доим давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири саналган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 148-моддасида кўрсатилганидек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига биноан **"Ота-оналар ўз фарзандларининг вояга етгунларига қадар таъминот беришга мажбур"**лиги кўзда тутилган. Ушбу норма ҳар бир инсоннинг ўз Ватани, оиласи, ота-онаси ва фарзандлари олдидаги бурчини англаб етишини билдиради.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов маърузаларидан бирида шундай деган эдилар: **"Биз шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун мақсад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик".**

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, оиланинг давлат ва жамиятнинг муҳим таянчи эканлигини ҳисобга олиб, ҳар бир фуқаро Конституция ва бошқа қонун нормаларига сўзсиз риоя қилса, давлат, жамият ва оиласи олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажарса, қонун устувор, оила мустаҳкам, она-Ватан тинчлиги, муқаддаслиги янада ортади.

**Дилноза ЗУЛУНОВА, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими, Марказлашган ФҲДЁ архиви мудираси**

*Транспорт*

# ЯНА 100 ТА АВТОБУС

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ АВТОБУСЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ АСОСИДА ҚАТОР ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. «ТОШАВТОБУСТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ «ЭВОБУС» ФИРМАСИ БИЛАН ТУЗГАН ШАРТНОМАСИ ҲАМ КУЧГА КИРДИ.**

Ўзаро келишувга биноан бу фирма Тошкентга ўзининг «Мерседес-Бенц Конекто Лов Флоор» русумли автобусларидан 200 тасини етказиб беради. Ҳозир улардан 100 таси шаҳримиз аҳолисига намунали хизмат кўрсатмоқда. Улар замонавий кўриниши, ҳайдовчилар учун бошқарув тизими қулайлиги, бортга компьютерлар ўрнатганлиги билан фарқланади.

# АНИҚ МАҚСАД ЙЎЛИДА

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ҲАРАКАТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ТОМОНИДАН КЎРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР АВТОТРАНСПОРТ ИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА.**

Йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензияга эга бўлган ташкилотлар томонидан 312 та йўловчи ташиш йўналишларида фаолият олиб борилмоқда.

Йўналишли таксиларда ярим йил давомида 36,6 миллион нафар йўловчи ташишга эришилди. Ҳозир 155 та йўналишлар хусусий автотранспорт томонидан тасарруф этилмоқда.

# ИЛҒОРЛАР САФИДА

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «12-АВТОБУС САРОЙИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ФАОЛ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ИЛҒОР ТРАНСПОРТЧИЛАРДАН БИР НЕЧА НАФАРИ «ФАХРИЙ ТРАНСПОРТ ХОДИМИ» НИШОНДОРИ ҲИСОБЛАНАДИ.**

Ушбу корхона раҳбари Қудратилла Зикиров ҳам бундай фахрли ном эгасидир.

Мана бир неча йилдирки, бу моҳир транспортчи ўз бой тажрибасини ишга солиб, саройни илғорлар сафига олиб кирди.

# ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ҚАТНАЁТГАН ЙЎЛОВЧИЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК МУҲАЙЁ ЭТИЛДИ. ТОШКЕНТ-ЖАНУБИЙ ТЕМИРЙЎЛ ВОКЗАЛИДА ҲУДУДИЙ ЧИПТАХОНА ИШ БОШЛАДИ.**

«Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси саъй-ҳаракати билан йўлга қўйилган бу хизмат туридан фойдаланувчилар учун бу ерда қатор қўшимча қулайликлар ҳам яратилди.

Чиптахона «Экспресс-2» тизимига уланган бўлиб, бу ерда республикамиз ички йўналишлари, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг истаган бурчагида темирйўлда юриш ҳуқуқини берадиган йўл ҳужжатларини расмийлаштириш мумкин.

# ҚАТЪИЙ ШИОР ОСТИДА

**«СИФАТ, ИШОНЧ ВА ЮКСАК КАФОЛАТ» ШИОРИ ОСТИДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН «ЙЎЛ РЕФТРАНС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЯНГИ ЙИЛНИ ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН КУТИБ ОЛДИ.**

Ўзбекистон темир йўлларига қарашли бу корхона тез бузиладиган юкларни махсус изотермик вагонлар ёрдамида ташиш ҳамда бу транспорт воситаларини таъмирлаш йўлида ҳам қатор ютуқларни қўлга киритди.

Бу ерда ҳар ойда 5 та вагон модернизация қилинмоқда. 2009 йилда эса 50 та бундай вагон соз ҳолга келтирилади.

# МУСТАҲКАМ ТЕХНИК НЕГИЗ

**«ТОШАВТОБУСТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ «7-АВТОКОРХОНА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗИНИНГ МУСТАҲКАМ МОДДИЙ-ТЕХНИКА НЕГИЗИГА ЭГА. КОРХОНА ТРАНСПОРТЧИЛАРИ УЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШГА ЭРИШМОҚДА.**

Ҳозирги кунда «Мерседес-Бенц» русумли автобуслардан 77 таси шу корхона тасарруфида. 40 дона янги «Исузу» кичик автобус ҳам транспорт таркибидан ўрин олган.

«ЛАЗ», «ДЭУ» русумли автобуслардан эса воз кечилди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан*

# ҲАМИША ХИЗМАТГА ШАЙ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ 050 «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН. ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, КУТИЛМАГАНДА ҚАЛТИС ВАЗИЯТЛАРГА ТУШГАН ЁКИ ТЕХНОГЕН АВАРИЯЛАР НАТИЖАСИДА ЖАБРЛАНГАНЛАРГА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ 050 «ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ХАЛОСКОРЛАРИНИНГ НАФАҚАТ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ, БАЛКИ ИНСОНИЙЛИК БУРЧИ ҲАМДИР.**

Туну кун хизматга шай йигитларимиз бирор кор-ҳол рўй бергудек бўлса, дарҳол воқеа жойига етиб бориб, зарур қутқарув асбоб-ускуналари ёрдамида хизмат кўрсатиб, аҳолининг ишончини қозонишга ҳаракат қилаяптилар. Шунингдек, «Сувда қутқарув гуруҳи» ғаввос-қутқарувчиларининг ҳам бу борада олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг сони йил сайин ўсиб бораётгани боис, қидирув-қутқарув ходимларнинг зиммасидаги залворли масъулият ҳам шунга яраша ортаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўтган йил мобайнида 050 "Қутқарув хизмати" телефонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан жами 84649 маротаба мурожаатлар келиб тушган. Юқорида қайд этилган мурожаатлардан 1380 тасида инсонлар ҳаёти ва йирик миқёсдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши эҳтимоли бўлган чақирувларга «Қутқарув хизмати» ва «Авария-қутқарув отряди»нинг қутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб, қалтис вазиятларга тушиб қолган инсонларга зарур техник ва тиббий ёрдам кўрсатишди.

Шунингдек, фавқулодда вазиятлар ўчоқларида қутқарувчиларнинг ҳаракат қилиш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида, Тошкент шаҳар ФВБ Авария — Қутқарув отряди ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги 050 «Қутқарув хизмати»нинг махсус қутқарув асбоб-анжомлари ва техникалари кўргазмаси ташкил этилиб, унда қутқарувчиларнинг мазкур техника воситалари билан ишлаш тартиб-қоидалари Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган ҳар бир ўқув машғулотларида тингловчиларга намойиш этилмоқда.

Бундан ташқари, 050 "Қутқарув хизмати" ходимлари нафақат қидирув-қутқарув ишларида, балки инсонпарварлик ва мурувват ёрдамларини белгиланган манзилга жўнатишда ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Масалан, 6 маротаба «ЭКОСАН»-Экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга юборилаётган мурувват ёрдами юкларини жўнатиш вақтида ходимлар беғараз ёрдам кўрсатдилар.

Бугунги кунда эллик нафардан зиёд қутқарувчилардан таркиб топган 050 "Қутқарув хизмати" ходимлари пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари осойишталигини таъминлаш борасида астойдил хизмат қилиб, элнинг дуосини олишга муяссар бўлмоқдалар. Айниқса, қутқарувчи ҳайдовчилар ва қутқарувчи операторларимиздан кўнглимиз тўқ. Негаки, ишларимизнинг сифати ва самараси уларнинг тажрибаси ва касбий маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Халоскорларимизнинг бу борадаги малакаси кундан-кунга ортиб бораётгани, тезкор ва сифатли қутқарув хизмати кўрсатилишига замин бўлмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан олиб борилаётган ҳар қандай тадбир бўлмасин, 050 "Қутқарув хизмати" халоскорлари ҳозиру нозир. Эпчил ва чапдаст қутқарувчиларимиз пойтахтда ўтказилаётган ҳар бир қўмондон-штаб ва ўқув-тактик машғулотларда фаол қатнашиб, ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этмоқдалар. Турли мусобақаларда фақат ғолиблик учун интилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

Қутқарувчиларимизнинг кўпчилиги тиббий малакасини ошириб, жанговар тайёргарлик синовларидан ўтганлар. Уларнинг ярмидан кўпи Тошкент тиббиёт академиясида тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича билимларини мустаҳкамлаб қайтган. Ўттиз нафарга яқин қутқарувчиларимиз Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш марказида жанговар тайёргарлик бўйича малака ошириб келдилар. Ҳозирги кунда ФВВ қошидаги қутқарувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида синов асосида тайёргарликдан ўтмоқдалар.

Ўтган 2008 йил сентябрь ойида ФВВ тизимидаги республика қутқарувчиларининг кўпкураш мусобақалари бўлиб ўтган эди. Мусобақа давомида ўз хизмат вазифаларига алоҳида масъулият билан ёндашганликлари, ўзларининг юқори касбий маҳорати ва руҳий тайёргарлигини ҳамда шахсий таркиб ичида намуна кўрсатган бир гуруҳ ғолиблар муносиб тақдирланган эдилар. «Сувда қутқарув гуруҳи» ғаввос-қутқарувчиси хизматчи Нурлан Сейтжанов "Энг яхши сувда қутқарув гуруҳи қутқарувчиси" деб топилиб, унга 1-тоифали ғаввос-қутқарувчи даражаси берилгани ҳаракатларимиз самараси албатта.

Шунингдек, ФВВ тизимида ташкил этилган "Энг яхши китобхон" кўрик танловининг республика босқичида радиацион, кимёвий биологик (бактериологик) муҳофаза гуруҳи кимёгар-дегазаторчиси хизматчи Қаҳрамон Бадриддинов ҳам фаол иштирок этиб, турли вилоятлардан келган ўн олти нафар танлов қатнашчиси орасида фахрли II ўринни қўлга киритгани, иккинчи даражали диплом ва пул мукофоти билан тақдирланганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Мақсуд МАНСУРОВ, Тошкент шаҳар ФВБ Авария-қутқарув гуруҳи командири, кичик сержант.**
**Азамат СУЮНОВ, журналист.**

*Таълим масканларида*

# ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

**МАЪЛУМКИ, МАЪНАВИЯТ ЖУДА МУРАККАБ, СЕРҚИРРА, ШУ БИЛАН БИРГА ХАЛҚ ДИЛИГА НИҲОЯТДА ЯҚИНДИР. ҲАР БИР ШАХС МАЪНАВИЯТИ УШБУ ИНСОН ТАРБИЯ ТОПГАН МАЪНАВИЙ МУҲИТ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДОРДИР. АММО ҲАР ҚАНДАЙ МИЛЛАТ ВАКИЛИ У ҚАНДАЙ МУҲИТДА ТАРБИЯЛАНМАСИН, БИР КУН КЕЛИБ ТАБИИЙ РАВИШДА ЎЗИ АСЛИ МАНСУБ БЎЛГАН МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИГА ИНТИЛА БОШЛАЙДИ.**

Тошкент Тиббиёт академиясида ҳам Ёшлар йили Давлат дастури асосида ўтган йил бошида иш режаси ишлаб чиқилди ва режа дастурдаги барча йўналишларни ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий, ижтимоий, соғлом турмуш тарзи ва бошқаларни ўз ичига қамраб олган ҳолда самарали олиб борилди. Бу ҳақда бизга Тошкент Тиббиёт академиясининг Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Шерзод Зокирхўжаев қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Академияда маънавий-маърифий ишлар кўп қиррали бўлиб, улар факультетларда, академияда ва ҳамкорликда ҳокимият ҳуқуқий органлари, хотин-қизлар кенгаши, «Камолот» ЁИҲ, маънавият-маърифат маркази, «Келажак овози», «Талаба» спорт уюшмаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилди. Йил давомида ўтказилган давлат байрамлари албатта талабалар ва ёш ходимларни кенг жалб этган ҳолда ўтказилди.

Ёшлар йилида маънавий-маърифий ишлар турли йўналишларда, яъни ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, музей ва зиёратгоҳларга ташриф буюриш, мураббийлик соатларида Ёшлар йили ҳақида мунозаралар, спорт мусобақалари, ижодий учрашувлар, ёшлар фестивали, соғлом турмушни тарғиб этиш, касбий ва бадиий тўгараклар фаоллиги бўйича амалга оширилди. Айтиш жоизки, Ёшлар йили Давлат дастурининг 7-банди ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган бўлиб, Тошкент тиббиёт академиясида ва талабалар турар жойларида бу йўналишда гиёвандликка, чекишга ва ОИТС га қарши кураш мавзуларида 45 та суҳбат ва мунозаралар, «Гиёвандликка йўл йўқ» ёшлар фестивали, спорт эстафетаси ва спорт байрами, шунингдек рационал овқатланишга бағишланган «Қовоқ сайли» каби тадбирлар ўтказилди.

Янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича профессор-ўқитувчилар учун семинар тренинглар, жумладан грант асосида Шимолий Каролина университети лойиҳасининг тиббий таълим дастури бўйича сертификатга эга бўлган УАШ акушерлик-гинекология кафедраси ходимлари томонидан дарс мобайнида ўқитувчи ва талабалар орасида мулоқот, аудио-визуал материаллардан самарали фойдаланиш, маърузалар ўқиш, билим ва кўникмаларни баҳолашнинг замонавий усулларини қўллаш бўйича семинар-тренинглар ўтказилди. Талабаларнинг билимини баҳолаш тизимини такомиллаштириш борасида тест саволлари қайта кўриб чиқилди, 3 поғонали янги авлод тест топшириқлари тайёрланди ва тест саволлари тўпламлари нашр этилди. Барча фанларнинг ўқув-услубий, моддий-техник таъминотини такомиллаштириш бўйича талаблар ишлаб чиқилди ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилди.

Ахборот-ресурс маркази томонидан Ёшлар йили давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тегишли меъёрий ҳужжатлар ўзида жамланган кўргазмалар яратилди. Давлат дастури меъёрий ҳужжатларининг электрон вариантлари барча компьютерлар хотирасига киритилиб, кафедра бўлимларига тарқатилди. Ахборот-ресурс маркази ахборот таълим ресурслари билан тўла таъминланди. Талабалар ва илмий ходимлар мунтазам равишда фойдаланишлари учун ахборот-ресурс марказида барча шарт-шароитлар яратилди.

Ёш олимларнинг (аспирантлар ва мустақил изланувчилар) услубий қўлланмалари, ахборот хатлари Ziyo NET тармоғига жойлаштирилди. Факультетларнинг барча курсларида 2008-2009 ўқув йили учун 1 майдан 20 майга қадар иқтидорли талабаларни саралаш танлови ўтказилди. Кафедралар томонидан тавсия этилган ва ўзларида хоҳиш бўлган талабалар академия тест марказида тест синовлари топширдилар. Шунингдек, чет тиллари, маънавият ва маърифат фанлари оғзаки имтиҳонлари ўтказилиб, иқтидорли талабалар танлови ғолиблари ўқув йили давомида илмий изланишлар олиб борадилар. Ёшларнинг илмий фаолияти билан шуғулланишга бўлган қизиқишини ошириш, уларнинг қобилиятларини аниқлаш, иқтидорли, ижодкор ёшларни саралаш учун талабалар, магистрлар илмий ишлари бўйича танлов ўтказилди. Танлов натижаларига кўра 10 та талабанинг илмий иши фахрли ўринларга лойиқ деб топилди ва тақдирланди.

Академиядаги мавжуд 35 та маъруза заллари замонавий техник жиҳозлар (мультимедия проекторлари, оверхет, компьютер, DVD pleyer), барча кафедралар Интернет тармоғига уланган компьютерлар билан таъминланди. Испаниянинг Гранада университети билан ҳамкорлик доирасида замонавий фантом, муляжлар билан жиҳозланган «Амалий кўникмаларни эгаллаш ва назорат қилиш маркази» ташкил қилинди. Айниқса, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш мақсадида талабалар таклифига кўра янги турдаги тўгаракларни ташкил этиш, «Талабалик баҳори» бадиий ижодий фестивалини ўтказиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида «Гиёвандликка йўл йўқ, чекиш ва унинг оқибатлари, рационал овқатланиш» тадбирлари, суҳбат, мунозаралар ташкиллаштирилди. Турли хил ижодий танловлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг олдини олиш мавзусида маърузалар ва давра суҳбатлари ИИБ ва прокуратура ходимлари билан биргаликда ўтказилди. Шу билан бирга спорт марафони, республика «Қувноқлар ва зукколар» танлови, «Соғлом оила», «Репродуктив саломатлик» мавзуларидаги тадбирларда талаба-ёшлар фаол иштирок этдилар. Бундай танлов ва тадбирлар албатта ёшларнинг маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлади деб ўйлаймиз.

Жорий йил режаларимиз ҳам бисёр. Маълумки, янги 2009 йил Президентимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили деб эълон қилинди. Академиямиз жамоаси ҳам янги йил режаларини тузган ҳолда уларни самарали бажаришни мақсад қилиб қўйган. Жумладан, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили режасига асосан, қишлоқ аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, академия мутахассисларининг малакали тиббий ёрдам кўрсатишини ташкил этиш, умумамалиёт шифокорлари билан етарлича таъминлаш, рационал овқатланиш ва турли хил касалликларнинг олдини олишда амалий ёрдам кўрсатиш ва бошқалардан иборат. Албатта янги йилда халқимизга фаровонлик, тинчлик хонадонларимизга файзу барака, ёшларимизга эса ҳамиша омад ва бахт тилаймиз.

**Дилором ИКРОМОВА**
**суҳбатлашди**

# ЁШЛАРИМИЗДА ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАР МУЖАССАМ

**КЕЛАЖАКНИНГ НОАНИҚ, МАВҲУМЛИГИ, ҲАЁТДА ТАСОДИФЛАРНИНГ КЎПЛИГИ КИШИНИ ИДЕАЛ ИЗЛАШГА, КЕЛАЖАГИНИ ҲЕЧ БЎЛМАГАНДА ҒОЯЛАР, АНДОЗАЛАР ТАРЗИДА ХАЁЛИДА ШАКЛЛАНТИРИШГА УНДАЙДИ. МАШҲУР ФАЙЛАСУФ СЕНЕКА: «БИЗ ИДЕАЛЛАР ЯРАТМАЙМИЗ, БАЛКИ ИДЕАЛЛАР БИЗНИ ЯРАТАДИ, ШАКЛЛАНТИРАДИ», ДЕГАНИДА ИНСОННИНГ ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ҒОЯ, ТАСАВВУР ШАКЛИДА ЯРАТИБ БИР УМР УНГА ТАЛПИНИБ ЯШАШНИ НАЗАРДА ТУТГАН.**

Айтиш жоизки, ёшлар маънавиятини шакллантиришда маънавий идеалнинг ўрни беқиёсдир. Президентимиз Ислом Каримов ўзбек халқи ўзининг буюк аждодлари тимсолида, дини, ахлоқи, инсоний фазилатлари, илмий-маърифий изланишларида бугунги авлод учун ҳаёт йўлини, келажагини кўрсатиб берувчи «юксак маънавий идеаллар»ига эга эканини таъкидлайди. Айнан идеал яратиши билан маънавият Юртбошимиз айтганидек, «одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилади».

Биз ёшларимизнинг ижтимоий идеал ҳақидаги фикрларини, тасаввурларини билиш учун Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабалари ўртасида сўровнома ўтказдик. 302 талабанинг берган жавоблари маълум бир хулосалар чиқаришга асос бўла олди.

«Сиз идеал деганда нимани тушунасиз?» деган саволга 120 талаба — «Энг яхши фазилатларнинг мажмуи», 112 талаба — «Ўзини-ўзи такомиллаштириш орқали юксак нарсага интилиш», 98 талаба — «Менинг ҳаёт тарзимга ва фикрларимга мос келадигани», 41 нафар талаба эса «Бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрмадим» деб жавоб берган. Умуман, талаба-ёшларимизда идеал ҳақида ижобий фикрлар мавжуд дейишимиз мумкин. Улар юксак, олижаноб фазилатларни, ҳаёт тарзи ва дунёқарашини такомиллаштиришга ёрдам берадиган нарсаларни идеал деб билади. Бу ўринда жамиятимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар, инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари уларнинг дунёқарашига ижобий таъсир қилгани кузатилади.

«Сизга ким идеал бўлиши мумкин?» деган саволимизга эса 119 талаба «Эртак ёки бадиий асар қаҳрамонларидан бири», 87 талаба — «Машҳур сиёсий арбоб», 81 талаба «Билимимни оширган ўқитувчиларимдан бири», 62 талаба — «Ота-оналарим», 38 талаба эса «Менда идеал йўқ» деб жавоб берган. Талаба-ёшларда идеални бадиий-эстетик оламдан излаш етакчилик қилади. Аслида бу ёшларнинг ҳис-туйғуларга, ён-атрофни эмоционал идрок этиб, реал ҳаётдан ўзишга, максимализмга берилишини кўрсатади. Сўровномада қатнашган 87 талаба-ёшлар сиёсий лидерни ўзига идеал тутишга мойиллигини билдирган. Айтиш жоизки, Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, жамият ва давлат ҳаётини демократлаштириш талаба-ёшлар дунёқарашида ўз аксини топган. Улар сиёсий лидернинг ўрнини юқори баҳолашади. Демак, ёшларнинг деярли учдан бири ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан қизиқади, ушбу ҳаётни ўзгартириш сиёсий лидернинг фазилатларига бевосита боғлиқ эканини тўғри англайди. Атиги бешдан бир талаба ўзига идеал деб ота-оналарини кўрсатади, бу кўрсаткич ўқитувчидан кейин туради.

«Идеал келажагингизни сиз қандай тасаввур этасиз?» деган саволимизга 162 талаба — «Танлаган касбимда ўз салоҳиятимни намоён қилиб юқори лавозимга, моддий фаровонликка эришиш», 69 талаба — «Жамиятга, ер юзида тинчлик ва тараққиёт ўрнатиш учун курашишга бағишлаш», 33 талаба — «Фаол ҳаёт кечириш, дунё бўйлаб саёҳат қилиш, саргузаштлар», 17 талаба — «Мен келажакни режалаштирмай туриб, бугун билан яшайман» деган жавоб қайтарган. Талаба ёшларни олаётган билимларини реал ҳаётга татбиқ этиш, бирор эътиборли лавозимга кўтарилиш, моддий шарт-шароитни яхшилаш масалалари кўпроқ қизиқтириши табиий ҳолдир. Улар буюк аллома Алишер Навоийнинг «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб тупроққами кетгумдир охир» деган ҳикматини қалбига жо этгандек. Яккама-якка суҳбатлар чоғида ҳам улар бутун билимини, кучини эл-юрт манфаатларига, мамлакатимиз тараққиётига сарфлаш ниятида эканини билдирадилар.Шу билан бирга улар моддий фаровонликни юксалтириш ҳақида ҳам қайғурадилар. Шу билан бирга айрим талаба-ёшларда келажакни режалаштирмаслик, бугуннинг ўй-ташвиши билан яшаш одати борлиги ҳам кузатилди. Бизнинг фикримизча ушбу одат сабабини оилавий тарбия ва ён-атроф, муҳит таъсиридан излаш ўринлидир. Республикамиз Президенти ва ҳукумати озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ижтимоий тараққиёт мақсади сифатида қараётгани, барча ислоҳотлар ушбу мақсадга етишга йўналтирилгани ҳали айрим оилаларда, муҳитда тўла англаб етилмаган. Шундай оилалар ва муҳитда ўсган ёшлар мамлакатимиз келажагини тасаввур этолмайди, ўз келажагига ҳам ишонмайди.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлашича: «Мен шонли тарихига садоқат билан қараб, бугунги озод ҳаётини қадрлаб, ўз келажагига умид билан интилаётган халқимизнинг донишмандлиги ва матонати, унинг иймон-эътиқоди, мустаҳкам иродаси ва юксак маънавий руҳи доимо барқарор яшайди, деб ишонаман».

Ушбу сўзларнинг ҳаётийлигини юқоридаги савол-жавоблар натижалари ҳам исботлайди. Республикамиз ёшларида юксак маънавий идеал излашга интилиш уларнинг жамият ва оила олдидаги бурчини, ота-онаси, ўқитувчилари, сиёсий лидерлардан олижаноб фазилатлар излашида, ҳаётга, келажакка чуқур ишонч, оптимизм билан қарашида яққол намоён бўлади. Талаба-ёшлар ўртасида ўтказилган сўровнома ва интервьюлар кенг хулосалар чиқариш учун етарли бўлмаса-да, уларда республикамиз ёшларига хос бўлган эзгу ниятлар ва олижаноб фазилатлар мужассамлиги рад этиб бўлмас ҳақиқатдир.

**Саида АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**Тошкент Давлат шарқшунослик институти доценти**

## Сўранг, жавоб берамиз

### ҚАЙСИ ХИЛ СУВ ФОЙДАЛИ?

**Шишалар, баклашкалардаги турли хил сувлар – табиий, артезиан, мусаффо булоқ суви, маъданли сувлар ҳақидаги маълумотларни ўқиб, бошим айланиб кетди. Ҳар қалай, табиатнинг ўзи яратган мусаффо сувни қандай танлаш мумкин?**

**Гулсара Мажидова,**
**Чилонзор тумани.**

Харид қилган сувингиз ҳақидаги маълумотларга синчиклаб назар ташласангиз, ТУ ёки ГОСТ белгиларига кўзингиз тушади. Сувнинг турини ана шу белгилар орқалигина аниқ билиб олиш мумкин. Шишадаги сувларнинг икки хили – маъданли ва ичимлик тури мавжуд.

Шишадаги маъданли сув табиий булоқда қандай ҳолатда бўлса – шу кўринишда намоён бўлади. Бошқа хил сувларни (кўпинча жуда яхши бўлиб чиқмайдиган) табиий булоқ, артезиан ёки бошқа манбалардан, баъзида эса –водопровод (қувур) дан олишади.

Кўриниши ва таъми яхшиланиши учун бундай сувларни дистилланган сув даражасигача тозалашади. Кейин эса, тузлар ва маъданлар билан тўйинтиришади.

Ёрлиқларда акс этган ГОСТ нимани англатади? Масалан, ГОСТ-13273-88 элита (энг асл) маъданли сувни билдирса, ГОСТ-52109-20 оддий ичимлик сувни англатади. ТУ 9185 белгиси собиқ иттифоқ даври ўтгандан кейин ишлаб чиқарилаётган маъданли сувни, ТУ 0131 – оддий ичимлик сувни билдиради.

### КИМ ТЎЛАШИ КЕРАК?

**Икки ой олдин Европага олинган туристик йўлланма нархи бирдан ошиб қолганини маълум қилишади ва қўшимча тўловни талаб қилишади. Шу адолатданми?**

**Талъат Солижонов,**
**Шайхонтоҳур тумани.**

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассисларининг айтишларича,** агар йўлланма нархи шартномада қайд этилган бўлса, сиз ҳеч нарса тўламаслигингиз керак. Сайёҳлик фирмаси бир томонлама ўзича шартнома нархини кўтариши мумкин эмас. Авиабилет нархими, бошқа хил хизматлар нархими – уларнинг ошишининг сизга даҳли йўқ.

Бундай ҳолларда сиз қўшимча ҳақ тўлашни рад этиб, шартномани бажаришни талаб қилишингиз мумкин. Ёки шартномани бекор қилишингиз мумкин. Лекин бунда сайёҳлик фирмаси сиздан жарима ундиришга ҳаракат қилиши эҳтимоли мавжуд. Агар сиз фирманинг бу қароридан норози бўлсангиз, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ судга мурожаат этишингиз мумкин.

### АТИРДАГИ ВАЛИДОЛ

**Бир дўстим курак ости ва тизза бўғимларидаги оғриқни “Тройной” деб аталган атир (одеколон) ичига олти таблетка валидолни майдалаб солиб, аралаштириб, кейин шу суюқликни кечаси ётишдан олдин оғриқли жойларига яхшилаб ишқалаб сингдиришини ва шу йўл билан оғриқдан 2-3 ойгача қутулиб юришини айтиб берди. Шу муолажа ҳақиқатан ҳам фойдали бўлиши мумкинми?**

**1-тоифали шифокор-терапевт Эътиборхон Асатиллаева жавоб беради:**

— Ҳақиқатан ҳам бундай муолажанинг таъсири бўлиши мумкин. Чунки валидолнинг асоси ментол аслида бўғимлар хасталиклари ва невралгияда фойдаланиш учун ишлатиладиган турли хил малҳамлар, геллар ва шифо кукунларида ишлатилади. Ментолни ишқалаш вақтида танангизга муздек урилади, лекин аслида у бадан терисини қиздирувчи таъсирга эга. Шунинг учун у бўғим ёки асаб толаларидаги оғриқли жойларда қон айланишини рефлектив тарзда яхшилайди ва айни пайтда шу жойлардаги мушакларни бўшаштиради. Бу эса – ўз навбатида оғриқни пасайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Дарвоқе, оғриқни қолдирувчи қиздирувчи дори воситалари ва малҳамлар атирдаги валидолдан қолишмаслигини ҳам таъкидлаш ўринли.

# ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ САҲНА АСАРИ



**ТЕАТР — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИДИР. УНДА ТУРФА ХИЛ ОДАМЛАРНИНГ ФЕЪЛ- АТВОРИ, ТУРМУШ ТАРЗИ, ҲАЁТ КЕЧИНМАЛАРИ ИФОДАЛАНАДИ. СПЕКТАКЛНИ ТОМОША ҚИЛАР ЭКАН, ҲАР КИМ ЎЗИГА ТЕГИШЛИ ХУЛОСА ЧИҚАРАДИ АЛБАТТА. ЗЕРО, ТЕАТРНИ ОДАМЛАРНИ КОМИЛЛИККА ЕТАКЛОВЧИ, ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИККА УНДОВЧИ МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ.**





Маълумки, бугунги кунда ҳаётимизда баъзи нохуш воқеаларни эшитиб, кўнглимиз хира тортмоқда, юрагимиз жунбушга келмоқда. Бу ҳозирда барчамизни хавотирга солаётган ва ўйлантираётган ёшларни турли фирибгарлик йўллари билан ғаразли мақсадларда чет элларга юбориб, тақдир тўфонига ташлаш масаласидир. Яқинда Ўзбек Миллий Академик драма театрида худди мана шу мавзуга бағишланган янги спектакль тақдимоти бўлиб ўтди. Фалсафа фанлари доктори, ёзувчи Тилаб Маҳмудов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Маҳмудова қаламига мансуб мазкур асар «...Тортадурман жабрини» деб номланган бўлиб, спектаклни саҳналаштирувчи режиссёр — Тожибой Исроилов. Режиссёр — Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров. Бош маслаҳатчилар — Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар жиноят ишлари бўйича суди масъуллари.

Спектаклнинг асосий ғояси — баъзи фирибгар кимсаларнинг мўмай даромад топиш мақсадида ёшларни катта ойлик оласан деб алдаб, чет мамлакатларга ишга юбораётганликлари, ёшларнинг эса бу алдовларга ишониб, мусофир юртларда хор-зор бўлаётганликлари ҳақида ҳикоя қилинади. Енгил-елпи ҳаётга ўрганиб, фақат пул топиш, бойлик орттириш мақсадида фирибгарлик билан шуғулланаётган кимсаларнинг охир-оқибат жиноят курсисига ўтириб, қонун олдида жавоб беришлари муқаррар эканлиги мазкур саҳна асари орқали ёрқин намоён этилган. Спектаклдаги асосий ролларни Ўзбек Миллий Академик драма театрининг таниқли актёрлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар М.Ҳолиқова, Ж.Зокиров, С.Юнусова, З.Ашурова, — М.Исмоилов, актрисалар — Ш.Тўхтаева, Ф.Бобоёрова, Ф.Ботиров, Н.Исмоилова ва бошқалар катта маҳорат билан ижро этишган. Саҳна асарини томоша қилар экансиз, юртдошларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмай, турли найранг ва алдовларга учиб, чет мамлакатларга боргач, ночор аҳволга тушиб қолаётганликларидан, минг афсус-надоматлар билан ўз она юртларига қайтиш умидида юрганликларидан боҳабар бўласиз ва ўзингизга тегишли хулоса чиқарасиз.

— Ушбу саҳна асарини томоша қилиб, қалбим жунбушга келди. Мана шундай фирибгар кимсаларга нисбатан ғазаб ва нафратим ошди, — дейди Чилонзор туманидаги, «Дўмбирообод» маҳалласи оқсоқоли Комилжон Қаюмов. — Айрим содда юртдошларимизнинг чет мамлакатларда хору зор бўлаётганликларидан жуда афсусдаман. Улар кимлар, нима учун шундай фаровон ва жаннатмакон юртимиз қадрини билмай, ўзга юртларда ишлаш ва шоҳона ҳаёт кечиришни орзу қилишмоқда? Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз ахир. Наҳот буни юртдошларимиз унутиб қўйган бўлишса! Долзарб мавзудаги мазкур янги саҳна асари жуда вақтида саҳналаштирилган, деб ўйлайман. Бу спектаклни албатта ҳамма-ҳамма, каттаю кичик келиб томоша қилишини истардим. Бу асарни кўрган ҳар бир одам, айниқса ёшлар ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар албатта.

**Гулором ҲАМИДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «...Тортадурман жабрини» спектаклидан лавҳалар**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲУВАЙДО

Бировнинг қорни тўймас парча нонга,
Биров ер доимо шаҳд ила ҳалво.

* * *

Берур ҳар қайсига ер остида жо.

* * *

Киши бўлмаса маънидин хабардор,
Они одам дема, де нақши бурё.

* * *

Агар минг йил умр сурсанг,
вафоси йўқтурур охир,
Киму кўрсатти, эй дўстлар,
вафо бу бевафо дунё?

* * *

Кишиким бемуҳаббат истаса,
топмас муродини,
Муҳаббат бирла тиксанг чўби бед,
айлар самар пайдо.

* * *

Агар яхши амал қилсанг,
савоб ҳосил бўлур, лекин
Ситам қилсанг бўлур албатта
олдингда ситам пайдо.

* * *

Бу дунё роҳатини, эй Ҳувайдо,
ихтиёр этма –
Ки, ҳар роҳат аросида бўлур
албатта ғам пайдо.

* * *

Акс эрур кори жаҳон, зинҳор
боқма аксига,
Давлати ҳуснунгга мағрур
ўлмағил кўзгу кўриб.

* * *

Гунаҳ қилмас киши йўқтур бу
дунё мулкида асло,
Гуноҳингни мукофоти надомат
айламак боис.

* * *

Кимки дунёни тилоди, оқибат
топти зарар.

* * *

Зоеъ этма яхши сўзни фаҳми
йўқ бефаҳмга,
На билур ширу шакарни
лаззатини сакмагас.

* * *

Ҳар киши бўлса керакдур
ўз мақоми ҳаддида
Ҳар билан тенг бўлмағой ҳарчанд
лоғардур фарас.

* * *

Ҳар кўнгилда дард йўқтур,
ҳар тиконда тоза гул,
Гар қаён кўпдур кийик – ул оҳуйи
торор эмас.

* * *

Дунёни молини йиғсанг,
тўймагай нафси бадинг,
То қуюлмай кўзингга туфроғдин
бир мушти каф.

* * *

Ғарибни кўнглини бузмак
гуноҳини беадад эрмиш.
Кафорат бўлмағай юз Каъбани
қайтиб бино қъилсанг.

* * *

Шубҳалик бўлса таоме, ема андин,
ҳазар эт,
Пок кию, пок егил, дилни мусаффо
тиласанг.

* * *

Тийра кўнглунг шамъ янглиғ
ўлгуча топкай зиё,
Бир даме ҳамсуҳбат ўлсанг
мардуми доно билан.

* * *

Кизбу ғийбат, лағу сўздин
уқмагайсан ўзгани,
Ҳамнишин ўлсанг замони
жоҳилу расво билан.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



*Қишнинг ҳам зийнати бор*

## Қатралар

### ТАН ҒИЛОФ, ЖОН ҚИЛИЧДИР

**(Ўтмишдан)**

Қудратли жаҳонгашта Искандар Зулқарнайн бир қалъани забт этгач, уни вайрон қилишни буюрди. Шунда вазирлардан бири:

— Қалъани вайрон қилмайлик. Унда эл меҳрини қозонган ҳаким бор. Ҳар қандай мушкул ишни ҳал қиладиган илмли донишманддир, — дея Искандарнинг фикрини ўзгартирди.

Шоҳда ҳакимга нисбатан мурувват пайдо бўлиб, уни ҳузурига чақиртирди. Искандар кўрсаки, ҳакимнинг кўриниши хунук. Кўринишга ор қилади. Ҳаким эса кулиб, тўғри сўзидан қолмайди: — Менинг ташқи қиёфамга қараб янглишдинг. Қалб ва жон гўзаллигимни англаб сўнг баҳо берганингда дуруст бўлар эди. Таним ғилоф бўлса, жоним қиличдир. Ҳар қандай мушкул ишни ғилоф эмас, қалбим амри билан жоним ҳал қиладур.

### БОЙ ДЕСА БЎЛАДИМИ?

Абдулла деҳқон билан уватларда ёнбошлаб кўп дил топишганман.

— Ўзингиз билган ўша ҳовлиқма деҳқонга қийин экан. Нега дерсиз? — деб қолди у бир кун.

— Ўзингиз айта қолинг.

— Бир кун унга: «Маънавиятга ҳам қизиқсангиз меҳнатингизнинг ҳузур-ҳаловатини тотийсиз» деб қолувдим, қовоғидан қор ёғиб «Китоб керак бўлса сотиб оларман», — деди. — Уни бой деса бўладими?

— Бой деёлмайман. Бойлиги ортиб борсаям шукр дейишга тили соқов. Нолишга-чи бийрон. Назаримда бойлиги маънавий қашшоқлик ботқоғига ботган.

— Ундан зада бўлган кўнглимни яйратиб юбордингиз, — деди Абдулла ака мендан миннатдор бўлиб. — Ундан давлатимиз кам бўлсаям, «чақ-чақ»лаб юрганимизга беадад шукр.

### КАМТАР ҚИЛИБ ҚЎЯМАН

Соҳилдаги мажнунтол ўз соясида ҳордиқ чиқариб кетгувчиларнинг ёқимли суҳбатларидан сархуш, маст. Гоҳ ошиқ-маъшуқларнинг шивир-шивирига халақит бермай деб хаёлини сув юзига тўш уриб вижирлаб учаётган қалдирғочларга, бир-бирини қувалаб чопаётган тўлқинларга боғлаган гўё.

Мажнунтолнинг одамлар меҳри, нафаси билан масрур яшашидан сал наридаги теракнинг ичи «куяди».

— Бағрингдан одам аримайди биласанми, нега? Юввош, бўшлигингдан. Айбдордек энгашиб тураверасан. Мен-чи, бўш эмасман. Ким бўлса ҳам унга тик боқаман. Менга яқинлашишга юраклари чидамайди.

Мажнунтол ғинг демайди. Нима десин? Ўсибунгани она ерга таъзим қилаётганини айтсинми? Йўқ, она еримга миннат бўлиб туюлмасин, дея хаё йўргагида сақлайди таъзим-раҳматни. Ниҳоят, бир кун соясига ташриф буюриб чархланаётган аррагагина теракдан сўз очади.

— Индамаганинг яхши бўпти. Гапингни уқишни барибир хоҳламасди, — деди арра ва терак тагига яқинлашди. — Соянг ўзинг баробар узоқда. Одамларнинг тагингга келмаслиги шундан. Яхшиси сени уйга тўсин қиламан — камтар қилиб қўяман.

### БИТМАС ЯРА

Латтадек бўшашиб, бехушроқ бўлиб ётган одамдан сўрашди:

— Очиғини айтинг. Нима қилди? Билсак тезроқ дардингизга малҳам топамиз.

— Захар-р-л-ландим, — дейди зўрға нафас оларкан. Кимдир экинга сочилган кимёвий доридан заҳарлангандир, деса кимдир чаён чаққандир, захари ёмон, деб қатиқ топишга югуради. Кимдир шифокорга.

— Овора бўлманглар. Ҳар қандай дори-дармон яхши соғайишим учун бекор, — деди бироз фурсат ўтгач, ўзига келган бемор. — Тилнинг заҳарига учраб йиқилдим. Танамни кўтариб, юриб кетарман. Лекин дилим яраси битармикан?!

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

## Шахмат

# ЁШЛАР ДОНА СУРМОҚДА

**ШАҲРИМИЗДА 6 ЁШДАН 14 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШ ШАХМАТЧИЛАР ЎРТАСИДА ПОЙТАХТ ШАХМАТ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЯНГИ ЙИЛ МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ.**

Болалар ва ўсмирлар ўртасида шахматни янада оммалаштириш, январь ойи охирларида ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатига тайёргарлик доирасида ташкил этилган ушбу турнирда 28 нафар ёш шахматчи ғалаба учун кураш олиб бораётган бўлиб, шундан 7 нафари қизлардир.

Мусобақаларда шаҳар биринчилигининг совриндорлари ҳам қатнашмоқда. Жумладан, 8 ёшгача шахматчилар ўртасида Исхоқ Тоиров, 12 ёшлилар баҳсида эса Диёра Ортиқова, (ҳар иккови 2 тоифали шахматчи) дона сурмоқда. Швейцарча усулда —«Тараққиёт» ва «Бухголец» коэффициентлари бўйича уюштирилаётган турнир 11 январга қадар давом этади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: Янги йил турниридан лавҳа. Алексей Попов олган сурат**



# «02» ХАБАРЛАРИ

● С.Раҳимов туманида муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси бўйича судланган, дайди Георгий исмли шахс ва унинг жиноий шериги — ишламайдиган, Юнусобод туманида яшовчи Яков исмли шахслар С.Раҳимов туманида яшовчи Алишер исмли шахснинг уйига меҳмонхона деразаси очиқлигидан фойдаланиб киришиб, 2.330.000 сўм пулни ўғирлаб кетишган. Жабрланувчи томонидан берилган хабардан сўнг олиб борилган қидирув ишлари натижасида, тезкор ходимлар томонидан ўғрилар қўлга олинди.

● М.Улуғбек туманида тунда, Юнусобод туманида яшовчи Венера исмли аёл, уй бекаси, М.Улуғбек туманида яшовчи Наташа исмли аёлнинг хонадонида уй хизматкори бўлиб ишлаб юриб, хонадан бекасининг йўқлигидан фойдаланиб 40.000 сўм пулларни ва 8.000 000 сўмлик тилла тақинчоқларини ўғирлаб олиб, «Универсам» бозорида 390. 000 сўмга сотиб юборган.

● Сергели туманида ишламайдиган, шу туманда яшовчи Анвар исмли шахс, Хоразм вилояти, Урганч шаҳрида яшовчи Ж.Мадаминовага тегишли бўлган «Нексия» русумли, кўк рангли автоуловининг олди чироғини ўғирлаб кетаётган вақтида, шу ҳудудда хизмат олиб бораётган патрул-пост хизмати ходими томонидан ушланди.

● Сергели туманида ишламайдиган, шу туманда яшовчи Комила исмли аёл, Маъмура исмли аёлнинг уйига калит танлаш йўли билан кириб, ётоқхонасидан бир дона сариқ металлдан ясалган занжири, 1 дона браслети, 1 дона «Қирқоёқ» шаклидаги узуги, 1 дона «Лодка» шаклидаги узуги, 1 дона «Китоб» шаклидаги узуги, 1 дона «Лимузин» шаклидаги узуги ва 1 дона никоҳ узукларини ўғирлаб кетган. Жами жабрланувчига 1.700.000 сўмлик моддий зарар етказган. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида ушбу жиноятни содир қилган Комила қўлга олинган.

● Ҳамза туманида тунда, ишламайдиган шу туманда яшовчи Евгений Ли, вояга етмаган, ҳеч қаерда ўқимайдиган, шу туманда яшовчи Виктор Иванцов, ишламайдиган, шу туманда яшовчи Нодир Қаюмовлар шу туманда жойлашган Интернет кафелардан бирининг ўқув машғулот хонасидан 900.000 сўмлик 2 дона «Самсунг» компьютер мониторини, 65.000 сўмлик 1 дона винчестери, 70.000 сўмлик 2 дона эҳтиёт қисмларини ўғирлаб кетишган. Жами 1.035.000 сўмлик моддий зарар етказилган. Тезкор жиноят қидирув ходимлари томонидан бу шахслар қўлга олинган.

**Юқоридаги барча ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддаси «Ўғирлик» бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.**

● Миробод тумани ҳудудида жиноят-қидирув тезкор ходимлари томонидан жиноят устида, яъни гиёванд моддаларининг ноқонуний олди-сотдиси билан шуғулланаётган вақтида қўлга олинган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Қашқадарё вилоятида яшовчи Улуғбек исмли шахс тергов жараёнида, Қўйлиқ бозорида таниши, ишламайдиган, муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 276-моддаси «Гиёвандлик моддаларни ноқонуний сотиш» билан судланган, Қўйлиқ даҳасида яшовчи Гулмирза исмли шахсга 0,6582 грамм героин моддасини 60.000 сўмга сотганига ҳам иқрор бўлиб, тан олди.

● Миробод туманида ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшовчи Аброр исмли шахс БМВ русумли автоуловни синглиси, ишламайдиган, Сергели туманда яшовчи Гулнора исмли аёлнинг номига техник паспортини қалбакилаштириб, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳрида яшовчи Олег исмли шахсга алдаб, 19.000 АҚШ долларига ишончнома орқали сотиб юборган.

**Ҳозирги вақтда ушбу иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-модда «Фирибгарлик» билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.**

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази катта инспектори, майор**

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**8 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА**

Бугунги кун хотиржамлик, тинчлик, бадастирлик, уйғунлик куни. Мунажжимлар уни уйда дам олиб, болалар тарбияси билан шуғулланиб ўтказишни масалаҳат беришади. Болаларингизга буйруқ бермай, "кел, бирга ўқиймиз, биргалашиб мана буни бажарайлик" тарзида таклифлар қилиш орқали уларни ишга жалб этасиз.

Ҳеч қандай бузғунчилик, фитнага йўл қўйманг. Аразлаган кишиларингиз билан ярашиш, олган қарзларингиздан халос бўлишингиз, садақалар беришингиз бугунги энг яхши амаллардан бўлади.

Бугун янги ишларга киришиш матлуб эмас, аммо келгуси ҳаракатларингиз режасини пухта ўйлаб олсангиз ёмон бўлмайди. Муҳимроқ ишларингизни кейинги кунга қолдиринг, бугун музокаралар анча муваффақиятли якун топади. Умуман, бугун анча бўшашган ҳолатда бўлишимиз жиддий хатоликларга йўл қўйишга сабаб бўлиши мумкин.

Тушларингиз башоратли бўлиб, сизга муҳим хабарларни етказиши мумкин. Шунинг учун уларни яхшилаб эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

## Хандалар

### ФАМИЛИЯМНИ БИЛАСИЗМИ?

Бир куни радио мухбири Турғун Азизовдан интервью олмоқчи бўлди.

—Менинг унвонларимни биласизми, — деб сўради Турғун Азизов.

— Биламан, Ўзбекистон халқ артистисиз.

—Яхши, исмимни биласизми?

— Турғун ака.

— Яхши, фамилиямни ҳам биласизми?

—Албатта биламан.

—Хўш, фамилиям нима экан?

— Турғун Алиматов!

—Шундайми, унда интервьюни Турғун Алиматовдан олинг, мен туғилганимдан бери Турғун Азизовман.

### ХАНЖАР ЎРНИГА ҚИЛИЧ

Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асари асосида ишланган спектаклда Шоҳида Исмоилова ханжар кўтариб чиқиши керак эди. Нима бўлиб ханжар йўқолиб қолди. Шоҳида ханжарсиз саҳнага чикди-да, ёнидаги навкарнинг қиличини шартта суғуриб, ханжар эмас, қилич билан келганлигини айтади. Спектаклдан кейин навкар ролини ижро этган актёр «Яхшиям қилич суғуриладиган экан, бўлмаса, шармандангиз чиқарди», —деди.

—Қилич суғурилмаса, қини билан тортиб олардим, — деди Шоҳида.

### ҚЎНДОҚДА ТЕККАН

Махсум Юсупов «Ўн учинчи раис» спектаклида бош ролни ўйнар эди. Машқ жараёни бошланадиган вақт бўлгану одатдагидек Махсум ака йўқ. Спектаклда иштирок этадиган актёрлар вақт ўтаётганидан асабийлашишарди. Режиссёр бош қаҳрамон келмагунча машқни бошлаш нияти йўқ. Охири бош қаҳрамон ҳам келди. Махсум акани кўриши билан актёрлар: «Нега кеч қолдингиз?» деган маънода еб қўйгудек бўлиб қарашарди. Таъна-дашномнинг олдини олиш учун Махсум ака уларга қараб:

—Асабийлашманглар, фойдаси йўқ, менга кечикиб келиш қўндоқда теккан, —деди.

**Ҳайдар МУҲАММАД**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

27 декабрдан 11январгача

27 декабрдан 11январгача

**Тошкент Давлат Цирки**

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

*Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида барча ёш томошабинларни «Насриддин Афандининг янги эртаклари» цирк спектаклига таклиф этамиз.*

**Маълумотлар учун телефонлар: 244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-текшириш институти маъмурияти ва жамоаси клиника дорихонасининг собиқ мудири Собир Орифович Касимовга фарзанди

**Юсупжон КАСИМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур хамдардлик билдиради.



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г- 07

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4554 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 6

Топширилган вақти: 13.05